

III. ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ

ШАРТНОМА 3

Андижон шаҳри

2022 йил "18" апрель

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Андижон филиали номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошлик Г.Ж.Хакимова (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва "ТЕЗКОР БАЛАНС" МЧЖ номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи раҳбари Мирзаматова Г. кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида тuzдилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунга қадар ҳар куни Буюртмачини мижозларнинг овқат тайёрлаш хизматини ҳамда Ўзбекистан Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил "18" апрелдан.

2022 йил "31" декабр гача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жихатдан жихозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бонка ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, фойдаланган коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этиши таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир қун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (қуриқдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига руҳсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юқлаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзоладиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини раемийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олини;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин Ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар Ёса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга оширишни (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилишни (бажарилишни, кўрсатилишни) талаб қилиш;

2.3.2. Лутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш туғрисида 10 кун олдин Лутсорсерни Ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тулаш;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тулаш;

2.4.2. Лутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериш;

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

III. Хизматлар нархи ва узаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи 1 244 862 000 сўм (бир миллиард икки юз қирқ тўрт миллион саккиз юз олтинчи икки минг) сўмни ташкил этади.

3.2. Лутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун узаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматлар ҳисоб-китоби шартнома ойлик суммасининг 15 фоизи миқдоридан олдиндан, 85 фоизи ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб ҳар 10 кунда, якуний ҳисоб-китоб Ёса келими ойнаси 5-санагача қадар амалга оширилади.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган, бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортқик; булмаган миқдорда туланади.

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта қуриб чиқилади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер томонидан овқат тайёрлаш хизматини олиб боришда, санитария қондалари ва меъёрлари талабларини бажарилиши ҳолатининг қўлиқ назоратини олиб бориш буюртмачининг тегишли масъул ходимлари зиммасига юкланади.

4.2. Аутсорсернинг хизматларини мониторинг қилиш буюртмачи томонидан шартнома да белгиланган шартларда қўлиқ амалга оширилади.

4.3. Аутсорсер томонидан ташкил этилган хизматларнинг санитария қондалари, нормалари ва гигиена нормативларига, шунингдек, техник тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатлар талабларига тулиқ мувофиқлиги ваколатли органлар томонидан ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларининг тегишли бўлимлари томонидан назорат қилинади.

4.4. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдориде пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.5. Пеня (жарима) тулаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажариндан ёки бузиллишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.6. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар буладилар.

4.7. Буюртмачига ҳар чоракда бир маротаба кўрсатилмаган хизматларининг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларининг ҳолатини мониторинг ўтказишига (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратили.

4.8. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

I. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказили йули билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказили йули билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги да белгиланган тартибда судга кўриб чиқилиш учун берилди.

II. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Ҳомонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар руи берган муддатга сурилади.

III. Яқинловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қан қай ўзгаришни ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Ҳомонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Ҳомонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Ҳомоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Ҳомонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва бир календарь йили давомида ёки муддатидан олдин бекор қилингунига қадар амал қилади.

IX. Ҳомонларнинг маълуми ва банк реквизитлари

«Дуғорсер»	«Буюртмачи»
 <p>«TEZKOR BALANS» MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI H/R: 2020 8000 2053 5731 7001 TRAKYUETI AITB ANDIJON FILIALI T. 30 8277306</p> 	Республика  нутибедаштириш ва онкология ва радиология ёлмиш амалии тиббиет маркази Андижон филиали Андижон вилояти Андижон шаҳри Ю.Атабеков кучаси Ш/р: 100021860034017073201054003 Ўзб. Республикаси Молия вазирлиги Ур: 2310200300100001010 Муллик банк Тошкент шаҳар бош ИНН: 201122919 Г.Ж.Ҳақимова

«18» апрель 2022 йил кунги
 03-сонли шартномага
 илова

Шартноманинг прогноз суммаси

T/р	Ойлар	Ойдаги кунлар сон	Ўзчов бирлиги	Хизмат бирлиги учун нарх (сўм)	Хизмат бирлик-лари сон	Жами суммаси ҚҚС сиз (сўм)	ҚҚС %	Жами сумма ҚҚС билан
1	Январь	31	хизмат кўрсатиш					
2	Февраль	28	хизмат кўрсатиш					
3	Март	31	хизмат кўрсатиш					
4	Апрель	30	хизмат кўрсатиш	27000	4933	133 191 000		
5	Май	31	хизмат кўрсатиш	27000	4933	133 191 000		
6	Июнь	30	хизмат кўрсатиш	27000	4933	133 191 000		
7	Июль	31	хизмат кўрсатиш	27000	4933	133 191 000		
8	Август	31	хизмат кўрсатиш	27000	4933	133 191 000		
9	Сентябрь	30	хизмат кўрсатиш	27000	4933	133 191 000		
10	Октябрь	31	хизмат кўрсатиш	27000	4933	133 191 000		
11	Ноябрь	30	хизмат кўрсатиш	27000	4933	133 191 000		
12	Декабрь	31	хизмат кўрсатиш	27000	6612	179 334 000		
Шартноманинг жами суммаси		365		27 000	46 106	1 244 862 000		

Республика ватисолаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Андижон филиали директори Г.Ж.Хакимова



[Handwritten signature]

«TEZKOR BALANS»
 MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
 H/R: 2020 8000 2053 5731 7001
 «IPAK YO'LI» AITB ANDIJON FILIALI
 MFO: 01120 STIR: 308277306



[Handwritten signature: Gulnara Murodova]